

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ  
БАҲОЛАШНИНГ АСОСИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

Тўраев Муҳаммаджон Узоқович,  
техника фанлари номзоди, доцент, АДУ

Шакирова Чаросхон Турғуновна,  
педагогика фанлари номзоди, доцент, АДУ

**Аннотация**

Мазкур мақолада компетентлик тушунчаси мазмун-моҳияти, таълим соҳаси мутахассисларнинг касбий компетентлик даражаси ва уни ривожлантириш, шунингдек, олий таълим тизими педагог кадрлари касбий компетентлигини баҳолашнинг асосий жиҳатлари ҳусусида фикр юритилади.

**Калит сўзлар:** компетентлик, касбий компетентлик, узлуксиз таълим, тамойил, баҳолаш механизми.

**Аннотация**

В данной рассматривается сущность понятия компетентности, уровень профессиональной компетентности специалистов образовательной сферы и её развитие, а также основные особенности оценивания профессиональной компетентности преподавателей высшей школы.

**Ключевые слова:** компетентность, профессиональная компетентность, непрерывное образование, принцип, механизм оценивания.

**Abstract**

This article deals with the essence of the concept of competence, the level of professional competence of specialists in the educational sphere and its development, as well as the main features of assessing the professional competence of higher school teachers.

**Keywords:** competence, professional competence, continuous education, principle, mechanism of assessment.

Бугун замонавий базавий билимлар ва касбий кўнилмаларга эга бўлган мутахассиснигина эмас, балки ўз-ўзини камол топтириш, такомиллаштириш, узлуксиз таълим олишга қодир бўлган ижодкор, фаол шахсни ҳам кўришни истайди. Жамият олдида юксак масъулият ва бундай мутахассисларни тайёрлашнинг мушкуллиги уларнинг касб-ҳунар таълими концепциясининг асосий кўрсаткичларини белгилайди. Ушбу контекстда истеъдодларни аниқлаш ва уларни рўёбга чиқариш, таълимга қизиқиш уйфотиши, бу жараёндан лаззат олишни ўргатиш, қизиқувчанликни ривожлантиришга қаратилган узлуксиз таълим тизими муҳим рол ўйнайди. Кўйилган мақсадларга эришиш учун ўта самарали узлуксиз таълим тизими, хусусан олий таълимни ижтимоий лойиҳалаш ва адаптив таълим тизимлари технологиясига мувофиқ

ташкил этиш зарур. Адаптивлик ва мустақил ўқиб-ўрганиш фаоли жтимоий-иқтисодий муҳитда самарали фаолият кўрсатиш имкониятини беради, ҳар бир инсон учун узлуксиз таълимни амалда таъминлайди.

Бугунги кунга келиб, республикамизда таълим тизимининг хуқуқий асосларини шакллантириш учун кенг шароит яратилди. Ўз навбатида, ислоҳотлар таълим тузилмаси ва мазмун-моҳиятини такомиллаштириш имконини берди. Юртимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, «Биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз».<sup>[1]</sup> Кўп даражали таълим узлуксиз интенсив таълим тизимини ўзида ифодалайди. Бу тизим ҳозирги ижтимоий-иқтисодий шароитларда шахс ва жамият манфаатларига мувофиқ турли даражада таълим ва малакани изчил олишни таъминлайди. Таълим ҳар бир инсон бутун умри мобайнида муттасил ижодий янгиланиши, камол топиши ва такомиллашувини назарда тутади.

ОТМ педагоглари таълим муассасалари стандартлари тизимини такомиллаштиришда ва компетент педагог кадрларни тайёрлашда муҳим рол ўйнайди. Миллатнинг сифати фуқароларнинг сифати билан ўлчанади. Ниҳоят мамлакатимизнинг таълим тизими сифати педагог кадрларнинг сифати ва компетентлиги билан белгиланади. Шундай қилиб, таълим тизимининг реал динамик куч-қуввати педагогдир. Агар раҳбарлар янги ислоҳотларни амалга ошириш имкониятига эга бўлмаса, педагог кадрларни қўллаб-қувватламаса, сармоялар, обьектлар ва барча бошқа омиллар маъносиз бўлиб қолади. Демак, ҳар қандай таълим тизими учун педагог кадрлар, айникса, компетентли педагоглар зарур.

Ҳозирги даврда таълим самарадорлигини ошириш, мутахассисларнинг касбий компетентлик даражасини ривожлантириш, педагог кадрларни инновацион фаолиятга йўналтириш, олий таълим муассасаларидағи ўқув жараёнига инновацион таълим ва ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш, илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш ва мақсадли йўналтириш олий таълим тизимини модернизациялашдаги долзарб вазифалар сифатида белгиланди.<sup>[2]</sup>

«Компетентлик» тушунчаси таълим соҳасига психологларнинг илмий изланишлари натижасида кириб келган. Психологик нуқтаи назардан компетентлик «ноанъанавий вазиятлар, кутилмаган ҳолатларда мутахассиснинг ўзини қандай тутиши, мулоқотга киришиши, рақиблар билан ўзаро муносабатларда янги йўл тутиши, ноаниқ вазифаларни бажаришда, зиддиятларга тўла маълумотлардан фойдаланишда, изчил ривожланиб борувчи ва мураккаб жараёнларда ҳаракатланиш режасига эгалик»ни англатади.

Касбий компетентлик эса мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўнікма ва малакаларнинг эгалланиши ва уларнинг амалда юқори даражада қўллай олиниши ҳисобланади. Касбий компетентлик мутахассис томонидан алоҳида билим, малакаларнинг эгалланишини эмас, балки ҳар бир мустақил йўналиш бўйича интегратив билимлар ва ҳаракатларнинг ўзлаштирилишини назарда тутади. Шунингдек, компетенция мутахассислик билим-ларини доимо бойитиб бориш, янги ахборотларни ўрганиш, муҳим ижтимоий талабларни англай олиш, янги маълумотларни излаб топиш, уларни қайта ишлаш ва ўз фаолиятида қўллай билишни

тақозо этади. Касбий компетентлик мураккаб жараёнлар; ноаниқ вазифаларни бажариш; бир-бирига зид маълумотлардан фойдаланиш; кутилмаган вазиятда ҳаракат режасига эга бўла олишда намоён бўлади. Касбий компетенцияга эга бўлган мутахассислар ўз билимларини изчил бойитиб боради, янги ахборотларни ўзлаштиради, давр талабларини чуқур англайди, янги билимларни излаб топади, уларни қайта ишлайди ва ўз амалий фаолиятида самарали қўллайди.

Таълим жараёнини такомиллаштиришнинг муҳим омили олий таълим тизимида педагогларнинг касбий компетентлигини юқори даражада шакллантирилиши билан узвий боғлиқ.

Кадрлар компетентлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнда «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4732-сон Фармони [3] ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 242-сон Қарори [4] ишлаб чиқилди. Бу хукумат ҳужжатларига асосан электрон таълим муҳитида педагогнинг компетентлигини ошириш замонавий таълимнинг муҳим талабаридан бири ҳисобланади. Учта асосий масала ечилмасдан ОТМларни замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш, педагог кадрларнинг профессионал ва компетентлик даражасини ошириш, ўқув жараёнига илфор технологияларни киритиш, шу жумладан информацион-коммуникацион ва ташкилотнинг ички мониторинг тизимини шакллантирмасдан янги сифатли таълимни яратиш мумкин эмас.

Бугунги кунда олий таълим тизимида педагог кадрлар компетентлиги юқорида қайд этилган барча мезонларга тўлиқ жавоб беради, деб бўлмайди. Баъзи ҳолларда педагог кадрлар янгиликнинг моҳиятини чуқур англаб етмайдилар, баъзан уни қўллаш шарт-шароитларига ва талабларига етарлича эътибор бермайдилар, баъзан мавжуд шароитни ҳисобга олмайдилар, баъзан ижодкорлик етишмайди. Буларнинг барчаси жараёнларнинг суст кечишига ёки натижалар самарасининг пасайишига олиб келади. Шу сабабли бугунги кунда педагог кадрлар фаолиятини баҳолаш тизими масаласи долзарб бўлиб ҳисобланади.

Педагог кадрлар потенциалини таъминлаш, ривожлантириш механизmlари орасида етакчи ўринни қайта тайёрлаш ва малака ошириш эгаллайди ва методик ишлар билан биргаликда касбий давомий ривожланиш тизимини ташкил этади. Электрон таълим муҳитида педагогнинг компетентлигини ошириш ёки узлуксиз таълим ғояси нафақат мустаҳкам таълим назариясида, балки замонавий педагогика амалиётида ҳам белгиланган. Давомийлик бу бир механизм шаклланишини ошириш жараёни эмас, балки, барча кичик тизимлар ва шакллантириш жараёнлари чуқур интеграциясидан натижка олиш имконини беради.

Бугунги кунда юқори малакали, ижод қилувчи, фаол, замон билан ҳамнафас бўладиган педагог кадрларга талаб кучайди. Инсон ҳаёти давомида таълимни горизонтал ҳамда вертикал ривожлантиришга ва шакллантиришга мўлжалланган. Узлуксиз таълим негизида ривожланиш, салоҳиятнинг ўсиб бориши ётади. Узлуксиз таълим концепцияси профессионал ўсиш жараёни доимийлигини таъкидлаб, мутахассис иш фаолияти давомида меҳнатга лаёқатли бўлиши учун

янги билимларни эгаллаб туришга кўмак беради. Узлуксиз таълим нафакат шахсий ривожланишнинг ифодасидир, балки унинг кафолати учун зарур шарти - жамиятда ўзини амалга ошириш имконияти ҳамдир.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: «Ўзбекистон», 2017. –22-б.
2. Рахимов З.Т. Педагогик компетентлик таълим жараёни ривожланиши нинг муҳим омили сифатида. Замонавий таълим / Современное образование 2019, 7(80)
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июня «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4732-сон Фармони
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 242-сон Қарори
5. Berk R.A. Survey of 12 Strategies to Measure Teaching Effectiveness // International Journal of Teaching and Learning in Higher Education. 2005. Vol. 17. № 1. P. 48–65.
6. Турғунов С.Т., Данияров Б.Х., Отажонова Д.М. Педагог кадрларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришда таълим муассасаси раҳбарларининг функционал вазифалари.Т. “Сано-стандарт” нашриёти, 2011.
7. Файзиев Р.А.. Олий таълим сифати ва самарадорлигини оширишда автоматлаштирилган таълим ва мониторинг тизимининг имкониятлари ва афзалликлари //“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, июль-август, 2015.
8. Юревич М.А. Методики оценки педагогических кадров в высшей школе в Европе, США и Австралии // Образовательные технологии. 2013. № 2. С. 104–115

### **Анжуман қатнашчисининг талабномаси**

1. ФИШ: Тўраев Муҳаммаджон Узоқович
  2. Илмий даража ва унвони: т.ф.н., доцент
  3. Иш жойи, лавозими: АДУ, Педагогика факультети декани
  4. Мақоланинг йўналиши (секция) рақами: 4
  5. Мақоланинг номи: Олий таълим тизими педагог кадрлари касбий компетентлигини баҳолашнинг асосий жиҳатлари
  6. Телефон: 90-216-81-41
- E-mail: